



ТОШКЕНТ ҲАҚИДАТИ

2012 йил
18 июль
ЧОРШАНБА
№ 56
(12.484)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СТАТИСТИК, СОЛИҚ, МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ, ЛИЦЕНЗИЯЛАНДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН ҚИСКАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, ортқча бюрократик говларни бартараф этиш, замон талабларига мос келмайдиган лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботлари шакллари қисқартириш, уларни тақдим этиш механизмини такомиллаштириш ҳисобига республикада қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, бизнес субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва шундай субъектларнинг янада эркин фаолият юритишларини таъминлаш борасида изчил ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар чоракда фақат битта соддалаштирилган статистик ҳисоботни тақдим этадилар, молия ҳисоботи эса йилга бир марта тақдим этилади. Тадбиркорлик субъектларининг 78 фоиздан кўпроги солиқ ҳисоботини электрон кўринишда тақдим этмоқдалар. Сўнгги йилнинг ўзидagina 65 турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинди.

Шу билан бирга статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг мавжуд тизими катта бўлиб, тубдан соддалаштиришни ва ислоҳ қилишни талаб этади. Кўп миқдордаги лицензия талаблари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари иқтисодиётни янада либераллаштириш борасида ўтказилаётган сиёсатга ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келмайди, кўпинча давлат йўли билан тартибга солишни бошқа воситаларини такрорлайди.

Бозор иқтисодиёти талабларига, халқро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ, бюрократик говларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини тубдан такомиллаштириш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 17 апрелдаги Р-3829-сон фармойиши билан ташкил қилинган ҳисоботлар, лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳининг қуйидаги тақлифига розилик берилсин:

1, 2 ва 2а, 3 ва 3а, 4 ва 4а иловаларга мувофиқ давлат статистик, молия, солиқ ҳисоботлари ҳамда бошқа ҳисобот турларини бекор қилиш ва бир-бирини такрорловчи шакллари бирлаштириш эвазига ана шундай ҳисоботлар миқдорини, шунингдек, уларни тақдим этиш даврийлигини белгиланган муддатларда қисқартириш тўғрисида;

2012 йилнинг 1 августидан бошлаб 5-иловага мувофиқ рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомилни (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 26 фоиз), шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 тасини (умумий миқдорига нисбатан 20 фоиз), жумладан, уларни 6 ва 6а иловаларига мувофиқ бекор қилиш ва бирлаштириш ҳисобига бекор қилиш тўғрисида.

2. Белгилансинки, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб:

7-иловага мувофиқ рўйхат бўйича фаолият турларини амалга ошириш учун лицензиялар амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилди. Бунда мазкур фаолият турларини амалга ошириш учун аввал берилган лицензияларнинг амал қилиш муддатлари чекланмаган, деб ҳисобланади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан илгари кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда аризалар такроран тақдим этилган тақдирда янги асослар бўйича лицензия ва рухсатномалар беришдан бош тортиш тақиқланади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2013 йил 1 январдан бошлаб: барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботини тақдим этиш бекор қилинади, қўшимча фойда солиғи бундан мустасно;

микрофирмалар йиллик статистик ҳисобот тақдим этадилар, бунда статистика органлари ҳар чоракда тегишли фаолият йўналишлари ва соҳалари бўйича танланма ўрганишлар ўтказилади.

4. Тадбиркорлик фойлати соҳасида лицензиялаш

ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меъёрларига оғишмай риоя этилиши учун шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида лицензиялар ҳамда рухсатнома характеридаги ҳужжатлар бериш бўйича ваколатли органларнинг раҳбарлари қаттиқ оғохлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси субъектларни тақдим этиш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш масалаларини тартибга солуви қонун ҳужжатларига давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг сўзсиз риоя этишлари устидан мунтазам назоратни ўрнатсинлар ҳамда бюрократик говларни бартараф этиш ва ўрнатилган қонунчилик бузилишининг олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўрсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: икки ой муддатда тадбиркорлик субъектлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсатнома характеридаги ҳужжатларни олишга тўланадиган йиғимларнинг миқдорларини танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда уларнинг камида икки баробар арзонлаштириши бўйича қарорлар қабул қилсин;

2014 йилнинг охирига қадар барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларини топширишининг электрон тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказилишини, шунингдек, 2012-2016 йиллар мобайнида ариза берувчиларга аризаларнинг ўтиш жараёнини интерактив кузатиш имкониятини яратган ҳолда лицензия ва рухсатномаларни олиш учун интернет тармоғи орқали аризаларни беришнинг электрон шакллари жорий этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда интернет тармоғига ягона веб-сайт яратиб, унга лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари рўйхатини, лицензия ва рухсатномалар олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, тегишли фаолият турларини амалга ошириш учун лицензия ва рухсатномалар олган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги доимо янгилиниб турадиган маълумотларни жойлаштирсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Савдо-саноат палатаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳри ва республика минтақаларида маълумотларни электрон тарзда йиғиш ва ишлов бериш имкониятларидан фойдаланган ҳолда статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни янада қисқартириш борасида қўриладиган чора-тадбирлар тушунтириб бериладиган семинарларни ўтказсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда сақлаб қолинаётган ҳисобот турларининг таркиби ва мазмунини илгор хорижий тажриба ва халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда танқидий қайта кўриб чиқсинлар, шунингдек, ўзларининг идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур Фармонга мувофиқлаштирсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари бир ой муддатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатига ушбу Фармондан келиб чиқадиган тегишли ўзгаришларни белгиланган тартибда киритсинлар.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 16 июль.

20 ИЮЛЬ - ХАЛҚАРО ШАХМАТ КУНИ

ДОНИШМАНДЛИК ВА МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ МАКТАБИ

Шахмат нима ўзи? Фанми ёки спортми? Миллион-миллион муҳлисларнинг севилими ўйини бўлган шахматга кўп ва ҳўп таъриф берилган бўлсада, унинг моҳияти ҳақидаги баҳс-мунозаралар ҳали хануз тугамаган. Шахматнинг сир-асрори, сеҳру жозибаси ҳали тўлиқ очилмаган ва очилмас ҳам керак. Акс ҳолда унга қизиқиш аллақонан сўниб қолган бўлур эди. Соҳибқирон Амир Темур, ҳазрат Навоий каби буюкларнинг шахматга бефарқ бўлмаганлари ҳам беҳиз эмас. Тарихий манбаларда бу ҳақда қимматли маълумотлар ёзиб қолдирилган.

санъатга ўхшар экан. Дарҳақиқат, шахмат ўйнашни ўрганиб олиш унчалик қийин эмас. Аммо яхши ўйнашни ўрганиш анча мушкул иш бўлиб, учун шахмат назариясидан, дебют (ўйин боши), миттелшпль (ўйин ўртаси), эндшпль (ўйин охири) деб аталувчи элементар шахмат тушунчалари ва назариясидан анча-мунча хабардор бўлиш, шунчаки хабардор бўлишгина эмас, уларни бирмунча пухта ўзлаштириш лозим бўлади. Тўғри, махсус мусобақаларда совриндор бўлиш, чемпиолик сазовор бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди, бунинг учун одам

бўтун борлигини, ҳаёт тарзини шахматга бағишлаши керак. Аммо шахматдан чинакамига заъв-шаъв олиш учун ҳам бу ўйинни яхшироқ ўрганиб олиш тақозо этилади.

Шахматнинг нихоятда катта тарбиявий аҳамияти бор. Беҳиз уни ақл гимнастикаси дейишмайди. Биринчи рус жаҳон чемпиони Александр Алёхин "Мен шахмат воситасида характерини тобладим" дея эътироф этган.

яширин" деган эди машҳур шахматчи Э.Тарраш. Мутахассисларнинг эътирофица, шахмат ўзлаштириш қийинлиги жиҳатидан фанга, берадиган завқу шавқига кўра

(Давоми 2-бетда).

АЁЛЛАР СПОРТ ФЕСТИВАЛИ

Эртанги кун эгалари – ёш авлодни вояга етказиш, аввало, аёл – оналар зиммасида. Одатда "палаги тоза дарахт сархил мева беради" дейишади. Соғлом, баркамол авлодни дунёга келтирувчи аёл – она саломатлиги муҳофазаси давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳам беҳиз эмас. "Соғлом она – соғлом бола" тамойили устуворлиги мамлакатимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг боз мақсади, асосий йўналишидир.



СОҒЛОМ ҲАЁТ – БАРКАМОЛ АВЛОД

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шiori остида "Аёллар спорт фестивали"ни ташкил этиш ва ўтказиш режасига асосан республикамизнинг барча вилоятларида, шаҳар ва туманларида турли спорт мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан Бекобод шаҳридаги "Ёшлик" спорт мажмуасида ташкил этилган фестивалда вилоятимизнинг 18 та шаҳар ва туманларидан келган спортчи аёллар иштирок этди. Қувонарлиси, уларнинг 370 дан ортиғи уй бекалари-дир.

Давлатимиз раҳбарининг "Қишлоқ жойлардаги болалар

спортчи объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳам аёллар спортига берилаётган катта эътибор ва ғамхўрликнинг ижобий натижасидир. Шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртиларидаги спорт иншоотларида 81418 нафар қизлар, 5584 нафар аёллар, давлат муассасалари ва ташкилотларнинг спорт иншоотларида 21359 нафар қизлар, 12712 нафар аёллар жамъ этилганлиги вилоятда аёллар спортининг оммалашиб бораётгани-

дан дарак. Жумладан, теннисчилар ўртасида "Спорт маликалари", гимнастикачи қизларнинг "Муствақиллик зеблари" ва бошқа спорт турлари бўйича ўтказилган ҳар бир мусобақа янги-янги номларни кашф этмоқда. Сура-тию сийрати гўзал спортчи аёлларимизга кўтаринки руҳ, ҳўшқичлик бағишлаган "Аёллар спорт фестивали" ҳам вoleyбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка, енгил атлетика, дартс ва сузиш бўйича энг моҳир спортчи аёлларни кашф этди.

Бекобод шаҳри (1-ўрин), Қўбрай тумани (2-ўрин) ва Ангрэн шаҳри (3-ўрин) хотин-қизлар жамоалари фестивалнинг бош соврини ва дипломларига эга бўлишди. Бундай бахтга сазовор бўлган спортчи аёллар ҳақида узок

сўзлаш мумкин. Жумладан, бўстонликлик волейболчи Наргиза Худойбердиева, дартс, яъни мерганликда бекободлик Роза Артеменкина, стол теннис бўйича ангрэнлик Ирина Шоахмедова, Наталья Авааспова, сувда сузиш бўйича бекободлик Валентина Макарова, олимпиада Форуза Денишова, юғуришда бекободлик Надежда Баксгерн, Гулсанам Бекназарова, Қўйи Чирчиқдан Одина Бахриддинова, Олимпиададан Евгения Азалинларлар маҳорати ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида эътироф этилди. Аслида, фестивалда иштирок этган ҳар бир спортчи аёл ғолиб. Зеро, домий ҳаракат, интилиш, изла-ниш камолотга етаклайди.

(Давоми 4-бетда).

Бўстонлик туманида жойлашган "Келажак" болаларни соғломлаштириш оромгоҳида вилоят "Камалак" болалар ташкилотининг томонидан "Ёзни "Камалак" билан" тадбири ўтказилди.

«ЁЗНИ «КАМАЛАК» БИЛАН»

Лойиха давомида оромгоҳда соғломлаштирилаётган ва ҳордиқ олаётган болалар учун "Сен "Камалак" ни биласанми?", "Кувнок стартлар", турли спорт мусобақалари ва кўплаб кўнгулочар ўйинлар ҳамда танловлар ўтказилди. Лойиха доирасида болажонлар ўртасида "Давлат рамзалари" ҳамда "Давлатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида" номли давра суҳбатлари ташкил этилди. Тадбирлар давомида фаол ва ғолиб бўлган болажонларга вилоят "Камалак" болалар ташкилотининг фахрий ёриқлари ҳамда эсдалик совгаллари топширилди. Лойиха сўнгида вилоят кенгаши ходимлари оромгоҳда болажонларга яратилаётган шароитларни ўрганиш ва оромгоҳ маъмуриятига тегишли кўрсатма ва тавсиялар бериш билан биргаликда ўқув-услубий кўлланмалар ва мусиқий тўпламларни ҳаёда этишди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

ЯНА БИР БОР РОГУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА

Сўнгги бир неча йил давомида кенг халқро жамоатчилик, нуфузли экологик ташкилотлар вакиллари, кўпчилик мамлакатларнинг сув ҳўжали қурилиши соҳасида тадқиқотлар билан шуғулланадиган илмий-тадқиқот марказлари мутахассислари-

нинг эътибори Тожикистоннинг Амударёнинг юқори қисмида қуввати 3600 МВтга тенг Роғун ГЭСи иншоотлари комплексини қуриш лойиҳасини қайта жонлантиришга доир қайсарона хатти-ҳаракатлари муҳокамага қаратилмоқда.

Авал бир неча марта таъкидланганидек, Роғун ГЭСини қуриш лойиҳаси кенг қўламли жиддий технологик, ижтимоий, экологик ва ижтимоий-иқтисодий таҳдид ҳамда хавфларни келтириб чиқаради. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши нуфузли халқро ташкилотлар ва мутахассислар, шунингдек, Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бу, аввало, қуйидаги асосий омиллар билан боғлиқ. Биринчи навбатда, Роғун ГЭСи қурилишининг ҳар қандай хавфсиз гидроиншоотлар қурилишини таъминлаш бўйича ҳозирги замон талабларига мутлақо мос келмайдиган эски стандартлар, қурилиш норма ва қоидалари бўйича 35-40 йил муқаддам, совет даврига ҳисобланган ҳолда ишлаб чиқилган техник-лойиха ечимларининг бугунги талабларга мутлақо жавоб бермаслиги билан изоҳланади. Буни нуфузли мутахассислар ва экспертлар ҳам бир неча бор таъкидлаган.

Сўнгги ўн йилда йирек ГЭСлар барпо этган қурувчилар (Хитой Халқ Республикасидаги "Уч дара", Россия Федерациясидаги Санно-Шушенск ва Боғучанк ГЭСлари, Жанубий Америкадаги йирек ГЭСлар ва бошқалар) тўқнаш келган кенг қўламли муаммо ва ҳалокатлар бугунги кунда бундай гидроиншоотларга қўйилаётган стандарт ҳамда талаблар мутлақо ўзгаргани, бунинг натижасида кўп ҳолларда бундай иншоотларни қуриш масаласини қайта кўриб чиқиш, тўхта-тиш ва, ҳаттоки, улардан воз кечишга сабаб бўлди.

Бундан ташқари, совет даври мутахассислари Роғун ГЭСини лойиҳалаштириш давридаёқ халқ элимай қолган қатор муаммоли масалалар юзасидан зарур техник ечимларни топа олмаган эдилар. Жумладан, катта миқдордаги сувнинг тўғон остида қоладиган йирек тўз қатламга (калинлиги 100 метрдан зиёд) муқаррар сингиши (фильтрация) ва унинг мазкур қатламга тасвирини бартараф этиш чоралари ҳал этилмаган, шунингдек, қурилиш олиб борилаётган ҳудуддаги тоғ жинслари массасининг тез-тез тақрорланиб турадиган хавфли сил-жишлари ҳисобга олинмаган. Утган вақт мобайнида ушбу муаммолар янада мурракбашлади. 1993 йилда Роғун ГЭСидаги йирекчилик кўтарма тўғонда содир бўлган авария ва мазкур иншоотнинг бутунлай вайрон бўлиши, шунингдек, кейинчилик юз берган бошқа бир қатор авариялар ҳам буни тасдиқлайди.

Иккинчидан, лойиҳада жаҳон амалиётида мисли қўрилмаган, баландлиги 335 метрлик тўғонни барпо этиш кўзда тутилган. Иншоотни бир неча марта Рихтер шкаласи бўйича 9-10 баллини ташкил қилган зилзилалар содир бўлган тоғли жойда қуриш тақлиф этилмоқда. Роғун ГЭСи қурилиши олиб борилаётган майдон Жанубий Тянь-Шань ва Ҳисор-Қоқшол минтақавий ёриги тизимининг бир қисми ҳисобланган Вахш тектоник ёриғидаги нисбатан янги пайдо бўлган тоғ массивлари яқинида жойлашган. Ушбу зоналар Марказий Осиёдаги энг фаол сейсмик ҳудудлар бўлиб, у ерда 10 баллгача бўлган зилзилалар мунтазам

тақрорланиб туради. Тожикистонда ўтган асрнинг биринчи ярмида рўй берган бундай зилзилалар 100 миңдан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Мисол учун, 1911 йилда содир бўлган ер силкинишини эсга олайлик. Ушанда 9 баллдан ортиқ зилзила Усой уюми ва 20 миллилард куб метр сув сизимига эга Сарез қўлининг ҳосил бўлишига олиб келди.

Айни пайтда ушбу ҳудудларда сейсмик фаоллик даражаси янада ошмоқда. АҚШ геология хизматининг маълумотларига кўра, Роғун ГЭСи қурилиши майдон жойлашган Помир-Ҳиндиқуш тоғ тизимасида бугунги кунда ҳафта-сизга саккиз мартагача зилзила қайд этилмоқда. Тожикистонда ўртача ҳар тўрт йилда кучли, ҳар 10-15 йилда эса ҳалокатли зилзилалар рўй бермоқда. Кўплаб экспортлар маълумотларни таҳлил қилиш асосида кейинги 10 йил мобайнида ушбу тоғ массивида кучли ҳалокатли зилзилалар юз беришини тахмин қилмоқда. Буни, шу жумладан, тожикистонлик сейсмолог олимларнинг тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди.

Айни пайтда, бундай катта даббани қуриш учун 80 миллион куб метр тупроқни қўчириш ва ётқизиш ишларини бажариш талаб этилади. Бунинг натижасида сув омборида 14 миллиард тонна сув тўпланади ва тоғ массивига қўшимча босим ҳосил қилади. Бу эса, шубҳасиз, минтақанинг сейсмик жиҳатдан заифлигини оширади ва шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Роғун ГЭСи қурилиши натижасида ушбу ҳудудда зилзилалар тақрорланиши янада кучаяди.

(Давоми 2-бетда).

20 ИЮЛЬ - ХАЛҚАРО ШАХМАТ КУНИ

Дарҳақиқат, шахмат иродани мустаҳкамлайди, топқирликка, етти ўлчаб бир кесмиша, ҳато қилмасликка, мустақил фикрлашга, вақтдан унумли фойдаланишга ва ички интизомга, интуиция (саъки табиий)ни ривожлантиришга ўргатади. Булар ҳар бир инсоннинг ҳаёт йўлида асосқадиган жуда муҳим ҳислатлардир. Жаҳон экс чемпиони, америкалик машҳур гроссмейстер Роберт Фишер "Мен шахматни яхши уйнамайман, рақиблиримнинг ҳатосидан фойдаланаман, холос", деган эди.

Шахматда (асосан малакали ўйинчиларнинг партиясида) кўпинча, биргина хато ўйин тақдирини ҳал қилади. Бу жиҳатдан у спортнинг бошқа турларидан кескин фарқ қилади. Футбол жамоаси иккию нолга ютказиб туриб ҳам ўйинда кескин бурилиш ясаши, ўйинни дугран ёки галаба билан яқунлаши мумкин. Шахматда бунаси камдан кам учрайди. Рақибини ҳурмат қилган ўйинчи мабодо қовун тушириб қўйса, ўйинни давом эттириб ўтirmай, мағлубиятини тан олиб қўя қолади.

Ғарбда "Вақт - пул" деган машҳур ибора бор. Ҳамма нарса охири-оқибат вақт ҳал қилади. Бизга ҳамини еттишмайди-ган нарса ҳам вақт. Эндиликда инсон вақт исканжасига, шахматчилар ибораси билан айтаганда, ҳайвотга, яъни вақт танглигига тушиб қолган. Шахматда ҳар бир партияга маълум вақт берилган. Агар шахматчи шу мuddат давомида керакли юришлари қилиб улгурмаса, унга мағлубият ёзилади. Ҳақдор доно, адолатли қонид! Наҳар бир инсоннинг ҳаёти - умри ҳам ўтновчи, у шу вақт мобайнида қиладиган юмушларини урдалашга улгурмоғи лозим!

Ҳа, шахмат ниҳоятда доно ўйин. У ҳаётдаги курашнинг (Давоми. Боши 1-бетда).

моделли. Ҳаётда ҳам гоҳо биргина машум хато тўғрйли фожиялар рўй беради. Уйланмай айтилган биргина ноҳўя сўз тўғрйли орага совуқлик тушади. Уз вақтида амалга оширилмаган, пайсалга солинган ишлар бутунлай барбод бўлиши мумкин ва ҳ.э....

ДОНИШМАНДЛИК ВА МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ МАКТАБИ

дан олдин атрофлича мулоҳаза юришда, холос, соғлом фикрлайди, бировни ранжитмайди, ўзига танқидий баҳо беради. Эндиликда кўпгина мамлакатлардаги мактабларда шахмат дарси сифатида ўқитилмоқда. Бу беҳиз эмас, албатта. Кузатишларга қараганда, шахмат астойдил қизиққан ва уни яхши ўрганган олган болалар бошқа фанларни ҳам пухта ўзлаштирган экан.

Шахмат этикаси деган тўшунча бор. Демак, шахмат одобага ҳам ўргатади. "Ушлагани юриш" деган қоида шахматчиларга яхши таниш. Шахматчи қайси донани ушласа, бамисоли: "Арсон изидан, ботир сўздан қайтмас" дегандек, ўшани юришга, яъни лафзидан туришга мажбур. Одобли ўйинчи бир-бирини самимий ҳурмат қиладилар. Мабодо рақибингиз ютказиб турган бўлса, сиз унинг ярасига туз сепаиб: "Олдин ҳам шахмат уйнаганим, янчвораман" дегангиз, бунақа "ҳазил"ни ҳазм қилиш осон

байнида чемпионлик унвонини рақибларига бермаган Эмма-ниул Ласкер шундай йўл тутуб, кетма-кет галаба қозонаверган. Жаҳон чемпиони бўлган Михаил Ботвинник ҳам шундай тажрибани қўлаб, М. Талга ютказиб қўйган, орадан бир йил ўтиб реванш матчида унвонини қайтариб олган.

Ўзбекистонда шахмат тараққиётини устоз, ўзбеклардан етиш-тиққан биринчи шахмат устаси, халқро тоифадаги шахмат ҳақами Мамажон Муҳитдиновнинг (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) фаолиятиси тасаввур эттиш қийин. Кўпгина шахмат дарсилари ва кўпгина шахматчиларнинг муаллифи бўлган Мамажон ака бу қадимий ўйин ҳақида жами эъландан зиёд китоб ёзган. Қўлаб иқтидорли ёшларга мураббийлик қилган, уларнинг истиқболни олдидан башорат қилган олма. Жумладан, ўзбеклардан етиш-тиққан чик-чиринчи гроссмейстер Георгий Аззамов, жаҳон эксчемпиони Рустам Қосимжоновлар устозингиз эътибори ва раҳмўрликларидан баҳраманд бўлишган эди. Халқро миқёсларда ўтказиладиган шахмат мусобақаларини Мамажон ака матбуот саҳифаларида ўзига хос бир услубда, қойилмақом тарзда шарҳлаб, мухлисларни мамнун қиларди. Афсуски, бу борада устоз ўзига муносиб вори-дорини таъйинлаб улгуролмади. Шу боис эндиликда унинг ўрни жуда-жуда бўлимоқда. Утган йили Тошкентда шах-

ИЛК ҚАДАМ ТАҚДИМОТИ

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ



Ўрта Чирчиқ туманидаги вилоят марказий маданият саройида ёш каламкашларнинг "Илк қадам" номли адабиёт тўғрисидаги иш бошланди. У вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.

Адабиёт соҳасида ёш истеъдод эгаларини кашф этиш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш ва ижодини шакллантиришга кўмаклашги мақсадида ташкил этилган тўғрарқнинг машғулотлар учун ажратилган дарсоналари замон талаблари даражасида жиҳозланиб, зарур ўқув-услубий рисоалар, жаҳон ва ўзбек адабиётининг нодир намуналари, таниқли адиб ва шоирларнинг шеърини ва насрий тўпламлари билан бойитилди.

Куни кеча мазкур тўғрарқнинг очилиш маросини бўлиб ўтди. Унда ташкилотчилар, туман ва шаҳарлардан келган ёш каламкашлар ва уларнинг ота-оналари, шоир ва ёзувчилар ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган журналистлар иштирок этидилар. Тўғрарқ қатнашчилари бу ерда ўзлари учун яратилган кўлай шарт-шароитлар билан танишишлари ва таълим олиш билан бирга ижодий қобилиятларини юзага чиқаришлари учун қилинаётган бундай юксак гамҳўрлик учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдиридилар.

Кино санъати асарлари Тақдим этилган ижодий ишларга кўйидаги хужжатлар қўшиб жўнатилиши керак: - муаллиф ва унинг касбий фаолияти тўғрисида қисқача маълумот; - муаллиф паспортнинг нусхаси; - иш жойидан тавсиянома; - муаллифнинг манзили ва боғланиш телефони. Ижодий ишлар 2012 йил 5 августга қадар қўйидаги ман-

ЗАМОНАВИЙ АВТОБЕКАТ

Тадбиркор Олимжон Бобоев Зафар шаҳарчасидаги автобекатни қайтадан курди. Чиройли дизайн ва янги кулайликларга эга бўлган автобекатда озиқ-овқат ҳамда аралаш моллар дўконлари ишга туширилди. Автобекатнинг ёнида эса муқайым ва салқин ичимликлар павильони ҳам йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими ва вилоятимизда яшаб ижод қилаётган ёзувчи ва шоирлар, журналистлар тасвирий санъат намоёндаларини ва бошқа ижодкорларни иқтисодий-ижтимоий ислохотларни амалга ошириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни тарғиб қилиш, маънавий меросини ва миллий қадриятларининг ёш авлодини она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ролини кўрсатиш, ижтимоий ҳаётимизда демократик ўзгаришлар ва янгиликларни жараёнларини акс эттирувчи, фуқароларнинг бу жараёндаги иштирокчи, эл-юрт раванқи йўлидаги фидокорона меҳнатини ифодаловчи асарлар яратишга даъват этиш мақсадида мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағиш-

РАҒБАТСИЗ ҚОЛМАГАН МЕҲНАТ

Ишни сидқидилдан, масъулият билан бажаришни йўлдош ака ота-онасидан ўрганди. Шу фазили тўғрйли у 27 йилдан буён вилоятимиздаги "Ўзбекўмири" ошқ ақциядорлик жамияти "Энергоқасосозлаш" унитар корхонасида монтер бўлиб фаолият юритмоқда. Корхонада унинг ўзи ўрни, ўзига яраша обрў-эътибори бор. Исламнучан, интилувчанлиги билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонди. - Утган йилларни сарҳисоб қиларканман, ишда, турмушда жуда оғир кечган вақтлар кўз ўнгимдан бир-бир ўтади. - Ҳаммаси ортда қолди, бироқ бунга катта сабр, бардос керак бўлди. Йўлдош Уразалиевнинг ис-теъмолчиларга электр энергиясини улкусиз етказиб беришда хизмати катта. Шунингдек, у тек-

Зилзила ёки техноген оми-лар натижасида бундай тўғрйнинг бузилиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Оқибатлар ва муҳандисларнинг фикрича, бундай ҳолда сув омборида тўплаган 14 куб километр сув хосил қиладиган кучли динамик босим катта (соатига қарийб 500 километр) тезлик билан Вахш дарёси оқими бўйлаб қуйиға 100 метр баянликдаги шиддатли тўққининг, таъбир бунга бўлса, "ясама шумани"нинг юзага келишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида Нурек ГЭСи тўғрйни, Вахш каскадидаги бошқа барча ГЭСлар ва гидроузеллар бутунлай вайрон бўлади, Нурек, Сарбон, Кўргонтёпа ҳамда Румий шаҳарлари бутунлай сув остида қолади. Боз устига, ушбу тўққин халокатли ҳаракатини давом эттириб, Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркменистондаги бошқа ўнлаб шаҳарлар ва қишлоқларни супуриб кетади ва сувга гарқ қилади, мислсиз фожияли оқибатларни юзага келтиради, юз минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлади.

Амударё оқими гидрологик ре-ларнинг ўзгариши натижасида ўзаанлардаги йўқотишлар ҳам ортада. Ҳозир ҳам сув тақчил мав-сумларда бундай йўқотишлар 15 фоизгача етмоқда. Гидрологик ре-ларнинг ўзгариши оқибатида Амударё қўйи қисмидаги қўллар ва ветландларнинг қуриш жара-ёни бир неча марта тезлашади, янги шўрхок ва тақир ерлар пай-до бўлади. Оқибатда у қишлоқ хўжалик экинлари етиштирила-диган майдонларни туз буронла-ри билан зарарлайдиган аёвсиз манбага айланади, туپроқ унум-дорлиги ҳамда ҳосилдорлик кес-кин пасайиб кетади. Бунинг оқибатида дунё миқёсидаги эко-

қимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция) қабул қилинган. Мазкур халқро ҳуж-жатларда амалга оширилиши трансчегаравий таъсир билан бо-ғлиқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилини-шидан олдин трансчегаравий сув объектлари ҳудудида жойлашган барча томонлар манфаатларини албатта ҳисобга олиш зарурлиги ҳақидаги талаблар қатъий бел-гилаб қўйилган. Бундан ташқари, 1997 йилда кунга кирган Трансчегаравий нў-та назардан атраф-муҳитга таъ-сирини баҳолаш тўғрисидаги кон-венцияда бундай объектлар қури-лишининг экологик оқибатлари-

лардан зиёд) билан бир қатор-да, Халқро валюта жағмармаси олдидаги мажбуриятларини бу-зиб, аксарият Тожикистон фуқ-ароларининг молиявий аҳоли оғирлигига қарамай, сўнги пайт-да Роғун ГЭСи ақцияларини қури-лиш ишларини олиб бормас-лик тўғрисида эришилган кели-шувларни ўзбошимчалик билан қўпол равишда бузиб, "ҳавойи го-ш"ларини зўр бериб амалга оширишга ҳаракат қилаётганини таъкидлашга тўғри келади. Қўлаб фактлар Тожикистон халқро ҳамжамиятдан пинҳон тутган ҳолда, станция ҳудудида ўтган асринг 70-йилларида бош-ланган кенг кўламли қурилиш

ЯНА БИР БОР РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА

Бельгия ҳамда бошқа давлатлар парламентарлари аъзолари, Япо-ния, АҚШ, Голландия, Корей Рес-публикаси ва бошқа мамлакатлар илмий-тадқиқот марказларини ҳақли равишда ташвишга солмоқ-да. Сўнги бир неча йил мобай-нида турли даражада БМТнинг нуфузли тузилмаларида, халқа-ро илмий-амалий форумлар ва кон-ференцияларда мазкур лойиҳа билан боғлиқ муаммолар-нинг кенг кўламида муҳокама эти-лиши натижасида халқро ҳам-жамиятда ушбу лойиҳани чуқур, синчковлик билан ҳолис муста-қил халқро экспертизадан ўтка-зиш зарурлиги тўғрисида прин-ципал позиция шаклланди. Таъкидлаш лозимки, мустақил экспертларнинг фикр-мулоҳаза-лари трансчегаравий сув оқи-ларидан фойдаланиш соҳасида қабул қилинган халқро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос келади. Бу масалалар бўйича БМТнинг қатор конвенциялари (1992 йил 18 сентябрда қабул қилинган Трансчегаравий сув оқимлари ва халқро қўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрй-сидаги конвенция, 1997 йил 21 майда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган Халқро сув

ни тўлиқ ҳисобга олиш ва ман-фаатдор барча томонларни жалб этган ҳолда, таъсирини ҳар тараф-лама баҳолаш кўзда тутилган. Жаҳон банки ушбу халқро ташкилотлар ва тузилмалар фикр-ларини эътиборга олиб ва халқа-ро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиққан ҳолда, 2010 йилда Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини хал-қро мустақил экспертизадан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди ҳамда уни амалга ошириш учун 20 миллион доллар ажрат-ди. Европанинг Франция, Швей-цария ва бошқа мамлакатларидан қатор фирмалар ушбу лойиҳани амалга оширмоқда ҳамда экспер-тизани 2013 йилнинг биринчи чоратида яқунлаши кутилмоқда. Уз навбатига, Тожикистон ҳу-қумати 2010 йилда мазкур лой-иҳа амалга оширилиши оқи-батларини мустақил техник-иқти-содий ҳамда ижтимоий-экологик баҳолаш ишлари яқунламуғуни-га ГЭС ҳудудида қурилиш иш-ларини олиб бормаслик мажбурия-тини ўз зиммасига олган. Айни пайтда, Тожикистон Халқро валюта жағмармасининг Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини мо-лиялаштириш учун мамлакат аҳолисидан мажбурий равишда

